

МУҲАММАДЖОН ОБИДОВ

МЕН КЎРГАН ДУНЁ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2016

УЎК: 070 (046)

КБК: 84(5)7

О-14

Обидов, Муҳаммаджон

Мен кўрган дунё / М.Обидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 292 б.

Хурматли китобхон! Муҳаммаджон Обидовнинг «Мен кўрган дунё» китоби бўлғуси журналистлар учун амалий қўлланма бўлиши билан бирга, кенг китобхонларга мўлжалланган публицистиканинг ибратли намуналарини мужассам қилган тўпламдир. Унда замон руҳини акс эттирувчи воқеиликларнинг холис таҳдили талқин этилган. Ҳар бир мақола, телекўрсатув сценарийсида муаллифнинг «мени» яқъол кўриниб турибди. Унинг баъзи мақолаларидағи таҳдил ва тадқиқ услублари, хулоса ва воқеиликка муносабати мунозарали туюлар. Аммо тўпламни яхлит ҳолда журналистика ривожига, айниқса, ёш журналистлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса дейиш мумкин.

Шу ўринда яна бир гап. Маълумки, телевидение ҳаётнинг акси, кўрсатув иштирокчиси – суҳбатдошлар нутқи жонли жараён бўлгани учун ҳам сценарийдаги уларга тегишли сўзлар аслича, яъни тасвирдаги овоз қай тарзда ифодаланган бўлса, матн шу ҳолатда ёзилган. Суҳбатдошнинг айрим жумла, иборалари қайтариқ ёки адабий тил қоидаларига мос келмаслиги ҳам мумкин. Бунга телевидение хусусияти билан боғлиқлиқда ёндашишингизни сўраймиз.

УЎК: 070 (046)

КБК: 84(5)7

Тақризчилар:

Сафар ОСТОНОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Назира ТОШПЎЛАТОВА,

филология фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳалқаро журналистика факультети Илмий кенгашининг 2015 йил 29 декабрь 5-сонли қарорига кўра М.Обидовнинг «Мен кўрган дунё» китоби журналистика факультети талабалари учун амалий қўлланма сифатига нашр қилишга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-27-708-3

© М.Обидов. «Мен кўрган дунё», «Янги аср авлоди», 2016 йил.

КИРИШ

Ўзбекистон дунёдаги иқтисоди тез ривожланиб бораётган давлатлардан бири сифатида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилди. Бу ҳар бир ўзбекистонликка фурур бағишлийди. Зеро, ислоҳотларнинг «ўзбек модели»га хорижий олим, дипломат, таҳлилчи ва оммавий ахборот воситаларининг қизиқиши кун сайин ортиб бормоқда. Шундай пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган бир ярим мингга яқин ОАВ ҳам давр талабларига мос равишда холис, тўғри ва тезкорлик билан воқелиқдан аҳолини хабардор этиб бориши талаб этилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ОАВ фаолиятига оид ўнга яқин қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Цензура бекор қилиниб, сўз ва матбуот эркинлигининг халқаро мезонлар асоси яратилди. Журналист кадрлар тайёрлаш масаласига устуворлик берилиб, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультети очилди. Эндиғи масала ёш журналистларда юксак малака шакллантириш, назарий билимлар билан бир қаторда амалий кўникмани ривожлантиришdir.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ташкил этган анжуманларнинг бирида журналист кадрлар тайёрлашда амалий қўлланмаларнинг ўрни ҳақида баҳс юритилди. Ўзбек матбуоти мутасаддилари у ёки бу истеъододли ва тажрибали журналист ижоди намуналари қўлланма тарзида ҳалигача тўплаб чоп этилмаганини кўйиниш билан таъкидлайдилар. Журналист кадрлар тайёрлайдиган университетларда маҳорат назарияси анчайин чуқур ва таҳлилий услугубда ўқитиб келинмоқда. Бу соҳа илмий асосларини тадқиқ қилган, қилаётган олимлар эришган натижалари билан ҳам

боғлиқ, албаттa. Аммо талабалар учун журналистика жанрлари, мавзу танлаш, маълумот йиғиш ва олиш усуллари, уни қайта ишлаш, таққослаш, хулоса чиқариш, таклифлар айтиш ва ниҳоят кўтарилигн масалага мутасаддиларнинг муносабати каби мавзуларда амалий қўлланма деярли йўқ ҳисоб эди. Шу мақсадда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммаджон Обидовнинг «Мен кўрган дунё» китоби — муаллифнинг узоқ йиллар давомидағи самарали фаолияти натижаси бўлмиш мақола, телесценарийлар тўплами юзага келди.

Муҳаммаджон Обидовнинг журналистик фаолияти ҳамманинг кўз ўнгида шаклланган, десак хато бўлмас. У Ўзбекистон телевидениесида дастлаб ёшлар учун кўрсатувлар таҳририятида самарали ижод қилди. «Сенинг замондошинг», «Студентлик — олтин даврим», «Зарбдор қурилишлар йўқламаси» каби туркум кўрсатувлари тили содда ва равонлиги, ундаги самимият ва мавзуларнинг долзарб ҳамда ранг-баранглиги билан ўз томошабинини топган эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида эса «Ахборот» дирекциясидаги фаол мухбирга айланди. У томошабинга мамлакатнинг энг «қайноқ» нуқталаридан ижтимоий-иқтисодий мавзуларда фоят таъсиричан, муҳим мавзуларда таҳлилий репортажлар тақдим этди. Айни чоғда босма нашр ва интернет сайтларда унинг муаллифлигида куннинг мунозарали масалалари ўз ифодасини топди. Муҳаммаджон Обидовнинг журналистик фаолияти эътироф этилиб, у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвонига сазовор бўлди. «Мен кўрган дунё» амалий қўлланмасига журналист босиб ўтган ижодий йўлдаги энг сара мақола, телесценарийлар танлаб олинди. Уларнинг ҳар бирида бўлажак ҳамкасбларимиз учун ибратли бир хусусият бор. Бугун назарий билимларни мустаҳкамлаш, ёш ижодкор қалами чархланишида шу каби амалий қўлланманинг ўрни ҳам, аҳамияти ҳам каттадир.

«Мен кўрган дунё» тўплами журналистика жанрлари, мавзулар долзарблиги ва узатилиш шаклига қараб бобларга бўлинган. «Халқ фаровонлиги, мамлакат равнақи йўлида» деб номланган бўлимда мамлакатнинг турли худудларидан

энг долзарб, муаммоли мавзулар кўтарилган мақолалар жой олган. Уларда сўз масъулияти ва сўз қудратини ҳис этасиз. Ҳар бир мақола журналистнинг изчил изланиши, мантикий хуласалари, таҳдилий далиллар ва уни ўқувчига етказишида ўзига хос услуги билан ажралиб туради.

Кўлланманинг «Хориж сафари таассуротлари» бобида журналистнинг Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Миср, Италия, Австралия ва бошқа мамлакатларга қилган ижодий сафари маҳсулни намуналари киритилган. Улар муаллифнинг кенг мушоҳада юритиш имконини намоён этади. Конфуций ижоди ҳақидаги «Сен ўзингни ўзингдан изла» мақоласида ҳаёт фалсафасининг абадий қонуниятлари шу қадар равон ва мантикий боғлиқликда ёзилганки, китобхон уни бошдан-оёқ «бир нафасда» ўқииди.

Ўзбекистон эришаётган ютуқларни кўролмаётган хориждаги сиёсий кучлар оммавий ахборот воситаларини қурол қилиб, юртимизга тош отиб туришлари сир эмас. Муаллиф «Муносабат» деб номлаган бобда «Озодик», «Би Би Си» каби радио овозлар тарқатаётган тұхмат ва бўхтонларга муносиб жавоб қайтаришнинг миссоллари келтирилади. «Озодик» мухбири МХХ да ишлайдими?» сарлавҳали бир қоғоздан иборат ихчам мақолада журналистика этикасининг энг долзарб масаласига эътибор қаратилган. Ахборот олиш ва уни қайта ишлашдаги холислик мезонлари чуқур таҳдил қилинади, ўқувчини хориж ОАВ тарқатаётган маълумотларга танқидий ёндашувга, ўрганишга ундаиди.

Матбуотда партиявий баҳс мавзуси ҳамон такомиллашиш ўйлида. Муаллифнинг «Фақат фоя билан обрў қозонилмайди» сарлавҳали мақоласи шу жанрда ёзилган муваффақиятли чиқишлиарнинг бириди. Унда «Адолат» СДП ва ЎзХДП ўртасида сайловолди дастурлари ижроси масаласидаги баҳс фоят кескин бўлиши билан бирга, шарқона одоб, баҳсдош шахсига ҳурмат билан ёндашиш, айни чоғда фоя учун курашда муросасизлик ва қатъийлик намуналари ўз аксини топган.

Китобнинг «Суҳбат ва интервюолар», «Очиқ ҳат», «Тақриз» каби бобларидаги мақолалар ҳам талабалар учун ибратли жиҳатлари билан қимматлидир.

«Мен кўрган дунё» амалий қўлланмаси, айниқса, сўнгти бобда ўз моҳиятини янада ёрқинроқ ифодалайди. Унда Муҳаммаджон Обидовнинг тележурналистик ишларидан намуналар келтирилади. Шу нарса қувончилики, ушбу китобда матбаачиликда илк тажриба тарзида матн ва тасвир бир китобдан жой олган. Яъни китобдаги телесценарийлар телекўрсатувлар жамланган диск билан тўлдирилган. Ундаги журналистнинг телерепортёрлик қирралари, сценарий тилининг ўзига хослиги, воқелик ва унинг тасвирий ифодалаш услублари каби масалалар талаба ёшлар учун муҳокама мавзуси бўла олади.

«Мен кўрган дунё» айни чоғда ҳаётий тажрибага эга журналист ижодига бир назар ҳамдир. Бу китоб малакали ёш журналистлар тайёрлаш ишига ҳисса қўшмоқчи бўлган ҳамкасларимизни яна кўплаб шу каби амалий қўлланмалар яратишга илҳомлантиради, деб ишонамиз.

*Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистон Миллий Университети доценти*

ҚАНТАКИ ЎРИК НАВИ ЙҮҚОЛИБ КЕТАВЕРАДИМИ?

Риштонда ерости сувининг кўтарилиши боғдорчилик ва дәҳқончиликка салбий таъсир кўрсатяпти

Фарона вилоятида бу йил 115 минг гектар майдонда пахта етиштирилди. Шартнома бўйича унинг ҳар гектаридан ўртacha 28,1 центнердан, жами 323 минг тонна ҳосил тайёрлов идо-раларига топширилиши керак. Бугунгача режа 80 фоиздан ошди. Пахтакору мутахассислар, ташкилотчию раҳбарларнинг қилган астойдил меҳнатлари туфайли аслида бундан-да юксакроқ рақамларга эришилган бўларди. Аммо, назаримизда, вилоятдаги асосий эътибор, бор куч экиш, парваришлаш, йигим-терим, дәҳқончилик ишини ташкил этишга қаратиляпти. Аслида эса **буғунги табиий шароит аввало ернинг ме-лиоратив ҳолатини тубдан ўзгартириш масаласига устувор-лик мақомини беришни тақозо этади**. Фарона вилоятидаги сугориладиган майдонлар, биринчидан, водийнинг марказида жойлашган. Иккинчидан, унинг сатҳи Андижон, Наманганд, қўшни давлатларнинг Суғд, Ўш, Боткен, Жалолобод каби ви-лояrtlари сугориладиган майдонлари сатҳидан паст. Табиийки, бундай шароитда ерости сизот сувлари оқими пастиликка томон юради, шўрланиш авж олади. Фарона вилоятида шўри ювиладиган экин майдонларининг миқдори, масалан, биргина Андижон вилоятиникига нисбатан қарийб 30 фоиз кўп.

Биз бундай маълумотларни вилоятда қайсиdir юксак на-тижаларга эришилмаётгани учун оқлов сабаблари деб келтираётганимиз йўқ. Дехқон ўз меҳнати маҳсулидан кўпроқ баҳра олиши, рухланиши ва, албатта, моддий манфаатдорлиги ортишига хизмат қиласмикан бу гаплар, деган фикрдамиз, холос. Масалан, Риштон туманини олайлик.

2006 йилда 9 минг гектарга, шундан қарийб 6 минг гектари бўз тупроқли Марказий Фарғона чўлларига чигит экдилар. Туман ҳокими Файратжон Мамадалиевнинг айтишича, ана шу 6 минг гектар экин майдонининг бонитети 30 ни ташкил этади. Лекин туманда ўртача ҳосилдорлик 28,6 центнер деб белгиланган. 2005 йилда бу ерда деҳқончиликнинг фермер хўжалиги шаклига тўлиқ ўтилган. Собиқ ширкат хўжаликлари ўрнида 661 та фермер хўжалиги аграр тармоқдаги ишлар билан банд. Туман 12 йилдирки, давлатта пахта сотиш режаларини сурункали равища бажармайди. Бу йиллар мобайнида 6 марта ҳоким, бир неча ўнлаб марта хўжалик раҳбарлари алмашди. Лекин пировард натижада ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланмаяпти. Бугунгача туман режани 70 фоиздан ошириди. Биз башоратчи эмасмиз, аммо даладаги ҳосил чўғига деҳқон, мутахассис кўзи билан қараганлар бу йил ҳам туман режадаги маррага ета олмаслигини айтяптилар... **Хўш, нима, Риштонда деҳқон ҳам, мутасадди мутахассису ташкилотчи раҳбарлар ҳам шунча йиллардан буён бирдек ёмон ишляяптиларми?** Улар шартномани адo этиб, эл-юрт олдида ёруғ юз билан юришни истамаяптиларми? Балки масаланинг бошқа, масалан, ер шароити билан боғлиқ томони ҳам бордир? Балки дон ва пахтачиликда шартнома учун белгиланган ҳосилдорлик кўрсаткичи ернинг ҳақиқий қуввати, бонитети кўрсаткичига мос эмасдир? Агар шу гапда заррача асос бўлса, нега энди деҳқон ошириб белгиланган ҳосилдорлик кўрсаткичига эриша олмагани учун маънавий ҳамда моддий жабраниши лозим?

Шимолий Боғдод коллектори «Аччиққўл» мелиоратив тизими бошлиғи Комилjon Ўринбоевнинг таъкидлашича, Риштон туманида еrosti сувлари 0-1 метргача бўлган минг гектар, 1-1,5 метргача бўлган 2814 гектар экин майдони бор. Умуман, тумандаги еrosti сувларини чиқариб ташлаш учун 191 та тик зах қочириш қудуғи, 254 км хўжаликларо, 835 км ички зовурлар мавжуд.

Ҳосилдорликни оширишнинг муҳим шартларидан бири – ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдир. Бунинг учун, аввало, зовурлар тозаланиши керак. 2006 йилда Риштонда 44 км хўжаликлараро зовур тозаланиши лозим эди. Бугунгача 27 км га етди. 140 км ички зовурлар тозалаш режалаштирилган бўлса, фақат 48 км тозаланди, холос. Бу ишлар давлат маблағи ҳисобига амалга оширилди. Яна фермер хўжаликлири ҳисобидан 40 км ички зовур тозалаш мўлжалланган эди. Атиги 6 км тозаланди.

– Туманда пудратчи ташкилотларнинг 16 та экскаватори ишлайти, – дейди К.Ўринбоев. – Иш унумдорлиги кутилганича эмас. Сабаби, биринчидан, йиллар, балки ўн йиллар давомида тозаланмаган зовур кўзини очиш учун катта миқдордаги тупроқ ишларини бажариш керак. Бу эса экскаватор қадамини секинлатади. Иккинчидан, ҳозир ишлётган экскаваторларнинг энг «ёши» ҳам (икки йил аввал Урганчдан келтирилган битта экскаватордан ташқари) бундан 30-40 йил илгари ишлаб чиқарилган. Учинчидан, илгарилари ширкат хўжаликларининг иқтисоди ёмонлиги учун, ҳозир эса фермер хўжалиги иқтисоди мустаҳкам эмаслиги учун ички зовурларни тозалаш қониқарсиз аҳволда.

Комилжон яна бир гап айтмоқчи бўлди. Сезиб турибман, томогига нимадир тиқилди.

Орага сукут тушди. Мен сабр қилдим. Бир оздан сўнг:

– Ўйимизда катталарнинг ҳам қулочи етмас «қантаки» ўрик бўларди. Болалигимизда, бундан 40-45 йиллар чамаси илгари онамдан бу ўрикни ким эккан, деб сўраганимда, билмадим, болам, бобомнинг айтишларича, уларнинг боболари ёшлигига ҳам шу ўрик дарахти бўлган экан, дегандилар. Демак, ўша дарахтга камида 150-180 йил бўлган. Қуйиб ташларди мевани. Охир-оқибат мен хонадон чирофини ёқиб турганимда ажоддодларимдан қолган мерос – қантаки ўрик дарахти қуриб қолди. Чунки қишлоғимизда еrosti заҳ суви ер юзигача чиқиб кетганди...

Зах, ерости сизот сувларининг кўтарилиши илдизи чуқур дарахтлар, Риштонда эса қадимий нав – «қантаки», «мул-

лақантаки» каби ўрик дарахтларининг қуришига сабаб бўлган бўлса, пахтачиликда эса ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатди. Бугина эмас. Ернинг ҳолати йиғим-теримни тезлатишга ҳам тўғаноқ бўляпти.

— Биринчى теримдан сўнг енгил сув бергандик. Мана 15 кундирки, ер етилмаяпти. Далага кириб бўлмаяпти, — дейди «Амробод жилоси» фермер хўжалиги бошлиғи Файратжон Жалолов.


Ушбу сатрлар ёзилаётганида Файратжон телефон қилиб қолди.

— Режани бажардик. 8,8 гектар майдондан 33 тонна пахта йиғишириб сотдик.

Риштоннинг оғир ер шароитида 38 центнерга етказиб ҳосил олаётган Файратжон каби фермерлари ҳам бор, албатта! Жалоловлар оиласида 3 та ака-ука мустақил фермер хўжалиги тузганлар. Уларга 68 гектар ер берилган. Ака-укаларда 3 та трактор бор. Қайси ер етилса ҳайдов, ишлов техникаси ўша далага киритилади. Бири бирига елқадош. Йиғим-теримда ҳам меники-сеники қилмай, кучларини жамлаб, пахтаси очилган майдонларга тушаверадилар.

«Ёқубжон Собиров» фермер хўжалигини олайлик. Фермер Равшан Собиров 10,7 гектарда деҳқончилик қиласи. Ҳар гектаридан 38 центнердан пахта сотаман деб шартнома имзолаганди. У ҳам сўзининг уддасидан чиқди.

Аммо тумандаги барча фермерлар ҳам Жалоловлар, Собировларга ўхшаган фермер эмас-да. Тумандаги ширкат хўжаликларининг барчаси бир вақтнинг ўзида тутатилиб, ўрнида ўша вақтнинг ўзида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Танловда аксарият айнан шу экин майдонида меҳнат қилиб келаётгандарга имтиёз берилди. Яъни ер асосан ўз эгасига берилди. **Аммо ерга эгалик қилиш фақат деҳқончилик билими билан боғлиқ эмас-да. Фермерга яна ташкилотчилик қобилияти, иқтисодий билим, раҳбарлик салоҳияти ҳам керак экан. Бугун ўнлаб, юзлаб фермерларга айнан ана шу фазилатлар етишмаяпти ва бу пировард натижада ҳосилдорликка таъсир кўрсатмоқда.** Бундай фермерларни кам-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4169> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4169> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4169>